

**«Тилшунослик назарияси»дан айрим мавзуларни ўтишда нострат
характерли элементларни талабалар онгига етказишнинг бир усули
М.Ражабов**

Ҳозирги ўзбек тилшунослигида, баъзи тилшунослар таъкидлашаётганидек, “Анъа навий тилшунослик ва у эришган ютуқ-натижалар ўз даврини ўтаб бўлганлиги” ҳақида бонг урилаётган пайтда, у “ўз вазифасини бажариб бўлганлиги”, у тилни ўрганишнинг биринчи стадиясида бажариши лозим ва зарур бўлган ишларни бажариб бўлганлиги, энди навбат: “...талабалардан ҳам, мухтарам домлалардан ҳам диалектикани, диалектик тафаккур ва таҳлилни оғизда эмас, амалда билишни тақозо қилади; давр талаби энди “оғиз”даги ижодийликни эмас, амалдагисини талаб қилади” (Дастур, 2002.Т., 5-бет) дея “маслаҳат” берилаётган, энди субстанционал-структур таҳлил методига асосланган тил билимлари ўқитилиши, таълимга жорий қилиниши талаб қилинаётган бир пайтда, ўзбек тилшунослари ва тилшунослигига аждодларидан - М.Кошғарий, А.Навоийлардан мерос бўлиб қолган қиёсий-тарихий тилшунослик методига ҳам иш бордек кўринади ва бу методдан воз кечишга эртароқдек туюлаяпти, назаримизда.

Дарҳақиқат, бу метод бошқа барча методларга нисбатан тилни диахрон аспектда ўрганишда энг яроқли ва энг ишончли, ягона метод эканлиги кўпчилик томонидан тан олинган.¹⁾ Бу ҳолатни биргина хусусий тилшунослик материалларини тадқиқ қилишдан озгина четга чиққан заҳотиёқ ҳис этиш мумкин. Масалан, тушунарли бўлсин учун топонимикадан бир мисол келтирамиз. Нега **Тайван, Тайланд, Таймир, Тайшет, Тайлоқ, Тўйтепа, Жулунтай, Чивинтай, тайга** каби бутун Евроосиёга тарқалган географик номлар таркибида “**тай**” компоненти иштирок этмоқда? Нега ўзбек тили луғат таркибидаги **тоға** ва бу сўзнинг туркий тил саналувчи туркман тилидаги эквиваленти **тайи/дайи** шаклида келади ва уларда ҳам бевосита жой номи эмас, балки жой номига алоқадорлик маъноси, яъни оилада ёки уруғда туғилган қиз фарзандлар учун эркак жинсга оид фарзандлар «**оға**»(ака) эканлиги маъноси - қариндошлик тушунчаси ҳосил қилинмоқда? Назаримизда, фан «Дастур»ида 1-курс талабаларига ўтилиши мўлжалланган «Тилшунослик назарияси» фани материаллари нечоғлик мураккаб эканлигини, бу материалларнинг моҳиятини очиш эса унданда мураккаб эканлигини келтирганимиз мисоллар англадиб турибди. Бу мураккаб ҳолатдан чиқиш учун талабаларга келтирганимиз мисоллар билан боғлаб «Нострат тиллар» ва «Ностратистика назарияси» ҳақида қисқача изоҳ бергач, қандай ҳосила маъно яратаётганидан қатъий назар, «**тай**» унсури қатнашган сўзлар, топонимлар, этнонимлар, антропонимлар, умуман, тил лексик сатҳида мавжуд бўлган, «**тай/той/дай/дой**» унсури қатнашган бирликларни топиш микрогуруҳлар(3/8)га топширилади. Дейлик, улар кишилар исмларидан (**Раҳимтой** каби антропоним), «**тайинли гап айтмоқ**», «**унингни тайини борми**» каби фраземаларни, бирор нарса-буюмни **ерга тайламоқ**(шевада) каби синтактик бирикмани, **тайёра** (самолёт)– атамасини ва бошқа луғат составидаги кўплаб лексема ва фраземаларни топишади.

Келтирилган мисоллар учун қайси элемент умумий эканлигини аниқлаш ва бу элемент қандай маънони шакллантиришга хизмат қилаётганлигини белгилаш микрогуруҳлар сардорларидан сўралади. Келтирилган мисолларда «**тай**» элементи ва унинг фоно вариантлари «**ер**», «**жой**», «**халқ**», «**ўрмон**», «**яриморол**», «**бекат**», «**юлғунзор**», «**қиз-нинг она юрти**», «**жойли(ўликли)тепа**», «**яйлов**», «**авлиёнинг номи**», «**той, тойчоқ – эркалаш-кичрайтиш вазифаси**», «**аниқ гап айтмоқ**», «**юрт – келиб чиққан юрти аниқ ми маъноси**», «**ерга ташламоқ**», «**учмоқ – сайёра сўзига аналогия йўли билан ясалаётган самолёт маъноли лексема**» каби маъноларда воқеланган. Синчиклаб қаралса, мисоллар даги маъно аксарият ҳолатларда «ўрин-жойга алоқадорлик семантик майдони» таркибида эканлиги сезилади. Демак, муаммо қўйиш, талабалар фаолиятини уни ечишга йўналтириш, синтез-анализ стадиясини амалга ошириш ва натижага келиш – «дедуктив – индуктив – дедуктив» метод орқали муаммо ечимини топади.

1. Қаранг: Щербак А.М. О способах и исторической образования морфологических элементов в тюркских языках. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (Глагол). Л., «Наука», 1981,155-170-бетлар